O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№ 310309

АЁЛНИ УЛУҒЛАШ — ОИЛАНИ, ҲАЁТНИ, ВАТАННИ УЛУҒЛАШ ДЕМАКДИР

Shu aziz Vatan — barchamizniki

O'ZBEKISTON OVOZI

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

• 2009-yil • 7-mart • Shanba • 28 (27.989) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

ЎЗБЕКИСТОН ХОТИН-ҚИЗЛАРИГА БАЙРАМ ТАБРИГИ

Муҳтарама онахонлар!

Қадрли опа-сингиллар, дилбар қизларим!

Гўзал ва бетакрор ўлкамизга баҳорнинг илоҳий нафаси кириб келаётган ушбу дамларда сиз, азизларимни, сизлар орқали бутун Ўзбекистон хотин-қизларини қутлуғ сана — 8 март байрами билан чин қалбимдан муборакбод этиб, барчангизга ўзимнинг юксак ҳурмат-эҳтиромим ва самимий тилакларимни изҳор этаман.

Бу ажойиб байрам тимсолида биз авваламбор баҳор ва аёл тушунчалари нақадар уйғун ва ҳамоҳанг эканини, бирбирини қандай чуқур маъно-мазмун билан тўлдиришини беихтиёр ҳис этамиз. Шу улуғ айёмда аёлларимизнинг беқиёс нафосати, ҳусну малоҳатини ўзимиз учун янгитдан кашф этгандек бўламиз.

Тарихнинг ўзи гувоҳ — аёл шаънига қанчадан-қанча қасидалар, шеъру достонлар битилган бўлмасин, токи дунёда одамзот бор экан, токи она меҳри, аёл муҳаббати барқарор экан, бу азалий ва абадий мавзу ҳеч қачон поёнига етмагай. Нега деганда, Яратганнинг буюк мўъжизаси бўлмиш аёл зоти ҳар қандай юксак ҳурмат ва таҳсинларга муносибдир.

Улуғ ватандошимиз Бобур Мирзо, агарки ер юзидаги барча шоирлар юз йил таъриф этганларида ҳам, аёл латофатининг юздан бирини тараннум этолмайдилар, деганида, ҳеч шубҳасиз, мутлақо ҳақ эди. Ва бундай ҳаққоний эътирофлар аввало муқаддас заминимизнинг чирой ва назокатда, вафо ва садоқатда тенгсиз аёлларини назарда тутиб айтилган, десам, ўйлайманки, кўпчиликнинг дилидаги фикрни ифода этган бўламан.

Мана шундай шукуҳли дамларда биз авваламбор барчамизни оқ ювиб, оқ тараб вояга етказган мўътабар она сиймосига таъзим қилиб, ўз фарзандлик эҳтиромимизни бажо келтирамиз.

Айни пайтда хонадонларимизга файзу барокат киритадиган, ўзининг нозик елкасида рўзғор ташвишларини беминнат кўтариб келаётган умр йўлдошларимизга, ҳаётимизнинг гули бўлган лобар қизларимизга чексиз меҳр ва ҳурматимизни билдирамиз.

Ҳақиқатан ҳам, олдимизда янги-янги муаммо ва синовлар пайдо бўлаётган ҳозирги ғоят мураккаб даврда сиз, муҳтарама опа-сингилларимиз ҳаётнинг турли соҳа ва тармоқларида — бу давлат ва жамият қурилиши, саноат ёки қишлоқ хўжалиги бўладими, таълим-тарбия ёки соғлиқни сақлаш, илм-фан, маданият ва спорт бўладими — буларнинг барчасида биз билан ёнма-ён туриб, фидокорона меҳнат қилиб келаётганингизни халқимиз яхши билади ва юксак қадрлайди.

Айниқса, гўзал ва оқила аёлларимиз ўзларининг ақл-идроки, меҳрибонлиги, сабр-қаноати билан ҳар бир оила, ҳар қайси маҳалла ва шу асосда бутун юртимизда аҳиллик, меҳр-оқибат, самимият ва поклик муҳитини мустаҳкамлашга, ҳар томонлама баркамол авлодни тарбиялашга катта ҳисса қўшиб келаётганини бугун яна бир бор миннатдорлик билан эътироф этамиз.

Мустақиллик йилларида хотин-қизларнинг жамиятдаги нуфузини ошириш, қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, саломатлигини мустаҳкамлаш, уларнинг интеллектуал ва маънавий салоҳиятини рўёбга чиқариш, оила, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш, тадбиркор аёлларни қўллаб-қувватлаш бўйича олиб бораётган кенг кўламли ишларимиз ўз амалий натижасини бераётгани албатта барчамизга мамнуният бағишлайди.

Бугун биз халқимизнинг асрий орзуси бўлган, инсон том маънода эркин, озод ва фаровон яшайдиган фуқаролик жамияти асосларини барпо этар эканмиз, бу эзгу мақсадга эришиш йўлида жонкуяр ва фидойи опа-сингилларимизнинг ўрни ва таъсири тобора ортиб бормоқда.

Шу билан бирга, биз мамлакатимиз хотин-қизларининг сиёсий ва ижтимоий фаоллигини янада ошириш, ҳаётнинг барча жабҳаларида уларнинг самарали иштирокини кучайтириш, мухтасар айтганда, аёлларни эъзозлаш ва улуғлаш учун ҳали кўп иш қилишимиз зарурлигини ҳам ўзимизга яхши тасаввур қиламиз.

Чунки, аёлни улуғлаш — оилани, ҳаётни, Ватанни улуғлаш демакдир. Бу ҳақиқат ҳар биримизнинг дилимизга жо бўлиши, барча хайрли ишларимизнинг мезонига айланишини истардим.

Шу борада 2009 йилнинг ўзида амалга ошираётган режаларимиз, хусусан, «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» дастуридан ўрин олган амалий вазифалар — опа-сингилларимизнинг меҳнат ва турмуш шароитини янада яхшилаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни, фермерлик ва касаначиликни кенг ривожлантириш, замонавий уй-жойлар, янги-янги таълим, тиббиёт, маданият ва спорт масканлари барпо этиш, ижтимоий инфратузилмалар фаолиятини такомиллаштириш, шуларнинг барчаси ҳисобидан юртимизни янада обод ва фаровон қилиш каби масалалар айнан аёлларимизнинг орзу-интилишлари ва мақсад-муддаоларига ғоят ҳамоҳангдир.

Бугунги имкониятдан фойдаланиб, мен юртимизнинг барча ўғлонларини, биринчи навбатда катта-кичик раҳбарларни мунис опа-сингилларимизнинг оғирини енгил қилиш, уларнинг ҳаётдан муносиб ва мустаҳкам ўрин эгаллашини таъминлаш учун бор куч ва имкониятларимизни сафарбар қилишга даъват этмоқчиман.

Азизларим, меҳрибонларим!

Сизларни ўзингиз каби гўзал байрамингиз билан яна бир бор қутлар эканман, барчангизга сиҳат-саломатлик, оилаларингизга тинчлик-хотиржамлик, файзу барака тилайман.

Толеингиз баланд, умрингиз узоқ, ризқу насибангиз доимо бутун бўлсин!

Фарзандларингиз ва яқинларингиз, элу юртимиз бахтига ҳамиша омон бўлинг!

Хонадонларимизни меҳрибонлик нури билан тўлдириб, ҳаётдан мамнун бўлиб, меҳру муҳаббат ардоғида яшаш барчангизга доимо насиб этсин!

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

НАФОСАТ ВА ГЎЗАЛЛИК БАЙРАМИ

Хотин-қизларнинг жамиятдаги мавқеини мустаҳкамлаш, уларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида юритилаётган сиёсатнинг муҳим йўналишларидандир. Зеро, мамлакатимизни модернизация қилишда, ислоҳотлар ва ўзгаришларни янада чуқурлаштиришда, қишлоқ ва шаҳарларимизнинг қиёфаси ўзгариб, чирой очиб бораётганида хотин-қизларнинг ўрни ва роли тобора ортиб бораётгани бунинг ёрқин далилидир.

Шу кунларда юртимизнинг барча ҳудудларида 8 март — Халқаро хотин-қизлар куни кенг нишонланмоқда.

6 март куни хотин-қизлар қўмиталари фаоллари, фан, таълим, маданият ва санъат соҳасида самарали меҳнат қилаётган хотин-қизлар Мустақиллик майдонидаги ҳурриятимиз, порлоқ истиқболимиз ва эзгу ниятларимиз рамзи — Мустақиллик ва эзгулик монументи пойига гуллар қўйдилар.

Шу куни «Туркистон» саройида Халқаро хотин-қизлар куни муносабати билан тантанали йиғилиш бўлиб ўтди. Тадбирга турли соҳаларда меҳнат қилаётган аёллар, онахонлар, жойлардаги хотин-қизлар қўмиталари фаоллари, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар, Зулфия номидаги Давлат мукофоти соҳибалари, жамоатчилик вакиллари таклиф этилди.

Сарой фойесида «Қўли гулдир ўзбек аёлин» деб номланган кўргазма ташкил этилди. Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ва Ўзбекистон Бадиий академияси ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу кўргазмага юртимизнинг барча ҳудудларида самарали фаолият кўрсатаётган расом ва ҳунарманд аёлларнинг ижод намуналари қўйилган. Санъатнинг барча соҳалари каби бадиий ижод ва миллий ҳунармандлик йўналишида фаолият кўрсатаётган хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, рағбатлантириш, янги ижодий парвозлар сари даъват этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу жиҳатлар мазкур кўргазмада ҳам ўз ифодасини топган. Бу ерда рассомлик билан бирга миллий ҳунармандликнинг каштачилик, чеварлик, кулолчилик, заргарлик, ёғоч ўймакорлиги каби йўналишларида фаолият олиб бораётган аёлларнинг ижоди билан танишиш мумкин.

Тантанали йиғилишни Тошкент шаҳар ҳокими А.Тўхтаев очди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Ўзбекистон хотин-қизларига байрам табригини Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов ўқиб эшиттирди.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси Ф.Акбарова Президентимиз раҳнамолигида демократик давлат ва фуқаролик жамияти, эркин ва обод Ватан барпо этишга қаратилган, юртимизнинг қиёфаси ва ҳаётимизнинг маъно-мазмунини ўзгартириб юборган ислоҳотлар жараёнида хотин-қизларнинг фаол иштирокини таъминлаш, уларнинг давлат ва жамият қурилишидаги мавқеини тобора юксалтириш, ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ ва манфаатларини муҳофаза қилиш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилаётганини таъкидлади. Давлатимиз раҳбарининг 2004 йил 25 майда қабул қилинган «Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони бу борада муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда.

Хотин-қизларни ижтимоий-ҳуқуқий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, оила, оналик ва болаликни ҳимоялаш, аёллар саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш йўналишидаги эзгу чора-тадбирлар ҳажми тобора ортмоқда. Шаҳар ва туманларда, чекка қишлоқларда барпо этилаётган ва замонавий жиҳозлар билан таъминланаётган соғлиқни сақлаш муассасалари, спорт-соғломлаштириш мажмуалари, маънавият ва маърифат масканлари ана шу эзгу мақсадга хизмат қилмоқда. Маҳаллаларда, қишлоқ фуқаролар йиғинлари, овулларда фаолият юритаётган диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар оилалар тотувлиги, ҳамжиҳатлиги, мустаҳкамлигини таъминлаш, жамиятимизда бағрикенглик, меҳр-оқибат, эзгулик ва саховат муҳитини таъминлашда фаол иштирок этаётир.

Аёлларни иш билан таъминлаш, айниқса, қишлоқ жойларида хотин-қизларнинг таълим олиш, меҳнат қилиш шароитини янада яхшилаш, касаначиликни ривожлантириш, аёлларни тадбиркорлик ҳаракатига кенг жалб этишга доир ибратли ишлар ҳажми сезиларли даражада ортиб бораётир. «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастури доирасида юртимизнинг олис ҳудудларида ҳам касаначиликни кенг жорий этиш, аёллар ўртасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, уларга имтиёзли микрокредитлар ажратишни кенгайтириш, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришга оид чора-тадбирлар амалга оширилаётгани диққатга сазовор.

2-бет

• ХОТИН-ҚИЗЛАР БАХТЛИ БЎЛСА, мамлакат обод ва фаровон бўлади

2-бет

• ШУКУР ҚИЛСАНГ, МУРОДИНГГА ЕТАСАН

• УЧУВЧИ АЁЛ

3-бет

• ЧЕМПИОН ОНАЛАР

4-бет

1995 йил 2 март

Президентимиз томонидан республика аёлларининг давлат ва жамият қурилишидаги ролини кучайтиришга бағишланган махсус Фармон қабул қилинди. Унга кўра хотин-қизлар қўмиталарининг раислари маҳаллий ҳокимият органлари таркибига киритилди. Улар жойларда ҳоким ўринбосарлари этиб тайинланди. Республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси эса Бош вазир ўринбосари мақомига эга бўлди.

(Давоми 2-3-бетларда)

O'zbekiston havo yo'llari
TOSHKENT XALQARO AEROPORTI
Хизматлар лицензияланган

НАФОСАТ ВА ГЎЗАЛЛИК БАЙРАМИ

Тадбирда Президентимиз Ислом Каримов қарорига мувофиқ адабиёт, санъат, фан, таълим, маданият соҳаларида эришган алоҳида ютуқлари учун Зулфия номидаги Давлат мукофоти билан тақдирланган бир гуруҳ қизларга ана шу юксак мукофотлар тантанали топширилди.

Йиғилишда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раисининг биринчи ўринбосари, халқ шоири Сирожиддин Саййид хотин-қизларни байрам билан қутлади. Ўзининг янги шеърини ўқиб берди.

Зулфия номидаги давлат мукофотининг бу йилги соҳибалари Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети қошидаги 1-академик лицей талабаси Қумар Бегниязова, Тошкент давлат шарқшунослик институти қошидаги хорижий тиллар академик лицейи талабаси Зумрад Тазетдинова, Қашқадарё вилояти Касби туманидаги 26-мактабнинг 9-синф ўқувчиси Насиба Шарипова хотин-қизларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, рағбатлантириш, уларнинг жамият ҳаётидаги фаоллигини оширишда кўрсатаётган эътибор ва ғамхўрлиги учун давлатимиз раҳбарига миннатдорлик билдирдилар.

Кечада санъат усталари ва ижрочи ёшларнинг байрам концерти намойиш этилди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.Мирзиёев, Олий Мажлис Сенати Раиси И.Собиров, Қонунчилик палатаси Спикери Д.Тошмуҳамедова иштирок этди.

Назокат УСМОНОВА,
ЎзА мухбири.
М.АМИН (ЎзА)
олган сурат

(Давоми. Боши 1-бетда)

ШАРАФЛАРГА ЙЎҒРИЛГАН УМР

Мустақиллигимизнинг 17 йиллиги байрами тантанаси арафасида бутун мамлакат бўйлаб хушхабар тарқалди: Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонига кўра Олтинкўл туманидаги «Олтинкўл водий гулшани» фермер хўжалиги раҳбари, ЎзХДП фаоли Сиёсатхон АБДУЛЛАЕВА «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвони билан мукофотланди!

Ўша кезларда Сиёсатхон опа тўнғич набираси — Элёрбекни уйлантириш тўйига тараддуд кўраётган эди. Президентимиз Фармони билан опанинг Ўзбекистон Қаҳрамони бўлгани ҳақидаги янгилик бир зумда бутун вилоятга ёйилди. Уни яқиндан билган барча-барча бирдек қувонди. Тўй тўйга уланиб кетди...

У айни пахта сиёсати авжга чиққан йилларда таваллуд топди. Эсини таниганидан тақдири деҳқончилик билан боғланди. Шундан буён ўзининг иккинчи уйига айланган қадрдон шийпони, пахта, ғалла пайкаллари, ҳамиша елкама-елка меҳнат қиладиган ҳамкасблари унинг ҳаётига сингиб кетди. Мана, шунга ҳам 40 йил тўлибди, бригадир бўлиб ўттизинчи баҳорни қаршилабди.

Бугун опанинг шон-шарафга йўғрилган умргузаронлиги барчага ибрат. Лекин мамлакатимизда минглаб фермер, ўн минглаб пахта усталари бор. Нега айнан Сиёсатхон Абдуллаева давлатимизнинг олий мукофотига сазовор бўлди? Бу саволга жавобни опанинг меҳнат фаолияти ва турмуш тарзидан изламоқ керак. Турмуш ўртоғининг вафотидан сўнг оиланинг бутун залворли юки унинг зиммасига тушди. Бир қўли бешикда, иккинчи қўли китобда бўлиб, олий маълумот олди. У бир оёғи даладан узилмасдан уч ўғил, икки қизни тарбиялаб, вояга етказди. Катта рўзғорнинг қувончу ташвишларига елкасини тутди, шодлигида кўкка учмай, ташвиш келганда бош эгмай, ҳаёт синовларига мардона туриб, шу даражага эришди.

Опа учун дала кезиш аслида ибодатга айланган. Унинг ибодатида ҳадсиз меҳр, куюнчаклик ва яратиш завқи бор. Кўксига «Олтин юлдуз» таққан пахтакорнинг ўтган йилги иш натижаси ҳам салмоқли бўлди. Аникроқ айтганда, дон ҳосили гектаридан 65 центнерга, уруғлик пахта чўғи эса 40 центнерга етказилди. Олинган 46 миллион сўмлик даромаднинг 13 миллион сўми соф фойда эди. Вилоят ҳокимлиги ўтган йил якунларига кўра қаҳрамонимизни «Нексия» енгил автомобили билан тақдирлади.

Ҳукуматимиз томонидан олиб борилаётган фермер хўжаликларини йириклаштириш сиёсати натижасида Сиёсатхон Абдуллаеванинг даласи икки баробарга кенгайди. Энди у 60 гектар ерда деҳқончилик қилиб, шундан 35 гектарига дон, 25 гектарига чигит экмоқда. Мўлжал қаҳрамонга хос — гектаридан 70 центнердан ғалла, 45 центнердан пахта ҳосили. Шу эзгу ният йўлида унинг атрофидаги 20 нафардан зиёд миришкор астойдил меҳнат қилмоқда.

Биз ҳам бугун Сиёсатхон Абдуллаевани 8 март — Халқаро хотин-қизлар байрами билан муборакбод этамиз ва унга «Ҳорманг, опа!» деймиз.

Абдумутал АБДУЛЛАЕВ

Мамлакатимизда бугун 14 нафар аёл Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари ўринбосарлари, 200 нафар аёл туманлар ва шаҳарлар ҳокимлари ўринбосарлари (маҳаллий ҳокимият маъмурияти раҳбари) лавозимида меҳнат қилмоқда.

✧✧✧

Ўзбекистон БМТнинг «Хотин-қизлар камситилишининг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисида»ги конвенциясига қўшилди.

✧✧✧

1996 йил
10 декабрь

«Болали оилаларнинг ижтимоий қўллаб-қувватлашни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Вазирлар Маҳкамасининг қарори эълон қилинди.

✧✧✧

1999 йил

Мамлакатимизда «АЁЛЛАР ЙИЛИ» деб эълон қилинди.

✧✧✧

«Хотин-қизларга қўшимча имтиёзлар тўғрисида»ги Қонун қабул қилинди.

✧✧✧

«Хотин-қизларнинг ижтимоий муҳофазасини кучайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони имзоланди.

✧✧✧

«Зулфия номидаги Давлат мукофотини таъсис этиш бўйича таклифларни қўллаб-қувватлаш тўғрисида»ги Президент Фармони қабул қилинди. Ўтган 10 йил давомида мукофот соҳибларининг сони 140 нафарга етди.

✧✧✧

2000 йил
15 февраль

«Соғлом авлод» давлат дастури тўғрисида» Вазирлар Маҳкамаси қарор қабул қилди.

✧✧✧

2001 йил

Мамлакатимизда «Оналар ва болалар йили» деб эълон қилинди.

✧✧✧

5 февраль

«Она ва бола» давлат дастури тўғрисида» Вазирлар Маҳкамасининг қарори эълон қилинди.

Раъно УБАЙДУЛЛАЕВА, «Ижтимоий фикр» жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази директори, академик

Ҳар қандай жамият тараққиётининг даражаси бевосита мазкур давлатда хотин-қизларга бўлган муносабат билан ўлчанади. Ватанимиз мустақиллигининг дастлабки кунлариданоқ Президентимиз раҳнамолигида хотин-қизлар масаласи жамиятни янгилаш ва тараққий эттириш давлат стратегияси марказига қўйилди.

Аёлларга Юртбошимиз алоҳида эътибор бериб, **«Аёлларнинг жамиятимиздаги, ҳар биримизнинг ҳаётимиздаги ўрни ҳақида жуда кўп ва узоқ гапириш мумкин... Оилани ҳам, жамиятимизни ҳам бирлаштириб, унга файзу барокат киритадиган, хонадонларимизни меҳр-муҳаббат, нафосат, эзгулик нури билан мунаввар қиладиган зотлар ҳам аслида мўътабар оналаримиз, мунис опа-сингилларимиздир»**, — деган фикр-мулоҳазалари биз — аёлларни ғоят қувонтиради.

Мустақиллик йилларида хотин-қизларга жуда катта эътибор қаратилаётганини 1992 йилда Ўзбекистон Республикаси Конституциясида гендер тенг ҳуқуқлиги кафолатланиб қўйилганлигининг ўзи яққол кўрсатиб турибди. Ушбу Асосий Қонунимизнинг 18-моддасида **«Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар»** деб ёзиб қўйилган тамойил амалда ўз исботини топиб турибди.

Сайловлар тўғрисидаги қонунларимизда эса Олий Мажлис ва маҳаллий вакиллик органларига номзод кўрсатишда ҳар бир сиёсий партиядан хотин-қизларга 30 фоиздан кам бўлмаган ҳолда ўрин белгиланганлиги мамлакатимиз хотин-қизларининг сиёсий фаоллигини оширишда муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда.

Марказимиз томонидан ўтказилаётган социологик тадқиқотлар натижалари мамлакатимиз хотин-қизларининг ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги фаоллиги ошиб бораётганини кўрсатмоқда.

Президентимиз раҳбарлигида жамият ҳаётида хотин-қизлар мавқеини ошириш, оилаларни иқтисодий ва маънавий жиҳатдан мустаҳкамлаш борасида амалга оширилаётган давлат сиёсатини халқимиз юксак қадрлаб, қўллаб-қувватлаётганини тадқиқотларимиз натижалари кўрсатиб турибди.

Сўровларимиз якунларига кўра, муҳим ютуқларимиздан яна бири шундаки, оила институти Ўзбекистон жамиятида халқимизнинг энг яхши фазилатларини шакллантириш ва ривожлантиришда ўзининг етакчилик ролини сақлаб қолди.

Биз бугун кўпгина давлатларда оиланинг ўрни борган сари йўқолиб бораётганлигини кўриб турибмиз. «Ҳаётимиздаги энг муҳим қадрият нима?» деган саволга аёлларимизнинг асосий қисми биринчи ўринда «Оила» деб жавоб бераётганлигининг ўзи бизда оиланинг роли нақадар баландлигини кўрсатиб турибди. Айниқса, Ўзбекистон хотин-қизлари оила ва никоҳ масаласига жуда масъулият билан ёндашадилар. 90 фоиздан кўпроқ аёлларимиз оилавий ажримларга салбий муносабат билдирмоқдалар.

Хотин-қизларимизнинг асосий кўпчилиги (92,6 фоизи) жамиятимиздаги ижтимоий-иқтисодий барқарорлик, миллатлараро ва фуқаровий тотувликнинг асоси Президентимиз раҳбарлигида узоқни кўзлаб, оқилона юритилаётган ички ҳамда ташқи сиёсатдир деб ҳисобламоқда.

Шунинг билан бирга тадқиқотларимиз натижалари хотин-қизлар ва оила муносабатлари ривожланишида ҳал этилмаган, ўз ечимини кутаётган анчагина масалалар ҳам борлигини кўрсатмоқдаки, улар устида тинимсиз ишлашимиз зарур.

Мен республикамиз хотин-қизларини гўзал байрамлари билан қутлар эканман, олдимизда турган улкан вазифаларни амалга оширишда уларнинг барчасига мустаҳкам соғлиқ, оилавий бахт-саодат ва ютуқлар тилайман. Хотин-қизларимизнинг барча асосий ҳуқуқлари тўла таъминланаётган, «Аёл, Она» деган муқаддас ном улуғланаётган ва фарзандларимизнинг келажаги ишонч билан яратилаётган жаннатмакон юртимизнинг келажаги буюк бўлишига ишонаман.

Гулчеҳра МАТКАРИМОВА, юридик фанлар доктори, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети халқаро ҳуқуқ факультети декани

Бугун аёллар ҳаётимизнинг ҳамма соҳаларида эркаклар билан баб-баравар меҳнат қилмоқда. Биргина ҳуқуқ соҳасини олайлик. Бири омбудсман, яна биттаси прокурор, адвокат, нотариус, ички ишлар ва ФҲДЁ ходимлари бўлган аёл ҳуқуқшуносларимиз қонунларимиз такомиллашувига, унинг ижроси таъминланишига, ҳаётимизнинг тинч ва осуда бўлишига муносиб ҳисса қўшиб келишмоқда. Кўплаб аёлларимиз эса ёшларимизга қонунларимиздан сабоқ беришяпти, ҳуқуқ соҳасида илмий изланишлар олиб боришмоқда. Ана шундай юзлаб олима аёлларимиз қаторида юридик фанлар номзодлари Гулнора Иномжонова ва Гулчеҳра Тўлаганова каби фидойиларни айтиб ўтишни хоҳлар эдим.

Мен ҳам ҳуқуқшунос аёл сифатида жамиятимизга хизмат қилаётганимдан бахтиёрман.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти билан ҳамкорликда Ашхобод, Олмаота, Бишкек, Тошкент, Ереван шаҳарларида ўтказилган халқаро ва минтақавий семинарларда инсон ҳуқуқлари ва халқаро ҳуқуқ бўйича махсус маърузачи сифатида ўзбек аёлининг ҳеч кимдан кам эмаслигини исботлашга ҳаракат қилдим. Олтмишдан ортиқ мамлакатлардан 200 га яқин вакил иштирок этган Тбилисидаги олима аёллар халқаро симпозиумида «Ўзбекистонда гендер тенглиги» мавзусида ва Оксфорд университетида аёллар ҳуқуқига оид инглиз тилидаги маърузаларим Ўзбекистон аёлларининг имкониятларини намойиш қилди, деб ўйлайман.

Илмий ишим ва хизмат тақозоси билан АҚШ, Англия, Италия, Германия, Польша, Венгрия каби бир қанча ғарб давлатларида бўлганман. Ушбу мамлакатларнинг аёллар ҳуқуқига оид қонунчилик базасини ўрганганман. Кўпгина ривожланган давлатларда пенсияга чиқиш ёшида аёлларга нисбатан имтиёз йўқ. Бизнинг қонунчилигимизда ёш болали оналарга яратилган имкониятларни бошқа давлатлар қонунчилик базасида учратавермайсиз. Ҳомиладорлик нафақалари ёки бола икки ёшга тўлгунга қадар тўланадиган тўловлар, иш ўрнининг уч йилгача сақланиши сингари қонунларимиздаги оналарга яратилган енгилликлар демократик ҳисобланган давлатлар қонунчилигидан ҳам ўрин олмаган. Шу боис **миллий қонунчилигимизни инсонпарвар, оилапарвар, аёлпарвар — онапарвар, дегим келади.**

Фурсатдан фойдаланиб ҳуқуқшунос аёлларимизни, оналаримизни, опаларимизни, сингилларимизни, қизларимизни байрам билан табриклайман. Оилангиз бахтига соғ-омон бўлинг!

✓ ЎзХДП: «Фаол аёллар» қаноти

ХОТИН-ҚИЗЛАР БАХТЛИ БЎЛСА,

мамлакат обод ва фаровон бўлади

— «Фаол аёллар» ибораси тез-тез тилга олинадиган бўлди. Бунга қандай изоҳ берган бўлардингиз?

— Бугунги кун руҳини тез англай оладиган, ундан хулоса чиқариб, самарали иш кўрадиган, интеллектуал, ташкилотчилик қобилияти билан тилга тушган аёллар ҳақида айтиш мумкин, бу сўзларни.

— Демак, асосий эътибор ўз ортидан бошқаларни эргаштира оладиган етакчиларни тайёрлашга қаратилади.

— Шундай дейиш ҳам мумкин. Фарғона вилояти аҳолиси 2,9 миллион кишини ташкил этди. Унинг 1,5 миллиони аёллар. Аксарияти қишлоқларда яшайди. Биз аёллар саломатлигини мустаҳкамлашга қаратилган «Соғлом онадан соғлом фарзанд туғилади» шиори остида тадбирлар дастурини ишлаб чиқдик. Уни амалга ошириш учун партиямизнинг ижтимоий шериклари, давлат органлари ва нодавлат ташкилотлари, масалага дахлдор барча идоралар билан ҳамкорлик ўрнатдик. Айни пайтда қишлоқларда соғлом турмуш тарзи тарғиботига алоҳида эътибор қаратаяпмиз.

Яна бир дастур иш билан таъминлаш масаласини ўз ичига олади. Хотин-қизлар учун ихтисослашган меҳнат ярмаркалари ўтказиш масаласини ҳам кўтардик. Шундай ҳаракатларимиз туфайли Тошлоқ туманидаги пахта тозалаш заводи билан юз нафар аёл шартнома асосида иш бошлади. Бувайда туманида эса тадбиркорлар билан шартнома асосида ишлайдиган аёллар сони 120 га етди. «Устоз-шогирд» йўналишида яна 350 нафар хотин-қиз ишга жалб этилди.

— Раҳбар аёллар клуби ташкил этилиши замирида ҳам ана шу мақсадлар мужассам бўлса керак...

— Клуб вилоят партия кенгаши қошида фаолият кўрсатади. Маҳаллий Кенгашлар депутатлари орасида аёллар талайгина. Раҳбар аёллар сафи кенгайиб бормоқда. ЎзХДП шаҳар, туман кенгашлари раисларидан беш нафари аёл киши экани қувончли, албатта. Бу клубни ташкил этишдан мақсад аёлларнинг жамиятдаги мавқеини янада мустаҳкамлаш, уларни фаолликка даъват этишдир.

— Келгуси режалар ҳақида ҳам гапириб бersангиз.

— Вилоятимизда ҳозирги кунда 62 та нодавлат нотижорат ташкилоти фаолият кўрсатмоқда. Биз улар билан ҳамкорлик имкониятларидан унумли фойдаланмоқчимиз. Жамиятни янгилаш ва модернизациялаш, аёлларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги ролини кучайтиришда улар билан бирга режалар туздик. Шундай йўллар билан тарафдорларимиз сафини кенгайтириш ҳаракатидамиз.

— Айниқса 8 март байрами арафасида юмушларингиз ортади...

— Тўғри. Байрам муносабати билан туман, шаҳарлар, чекка ҳудудларда кўплаб тадбирлар, кечалар, учрашувлар ўтказаяпмиз. Бемор, ногирон, эътиборга муҳтож аёллар хонадонларида бўлиб, кўнгилларини кўтариш биринчи галдаги вазифамиз, деб биламиз.

Ҳар биримизнинг хонадонимизни қувончли кунлар ҳеч қачон тарк этмасин. Хотин-қизлар бахти оламни тўлдирсин. Зеро, аёллар бахтли бўлса мамлакат обод ва фаровон бўлади.

Суҳбатдош:
Муҳаммаджон ОБИДОВ

Энахон СИДДИҚОВА ЎзХДПнинг вилоят, шаҳар ва туман кенгашларида бўлиб ўтадиган тадбирларнинг ташкилотчиси. У партия электорати, унга хайрихоҳ бўлган хотин-қизларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, ҳуқуқий билимини ошириш борасида кўплаб амалий ишлар олиб бормоқда. Шунинг учун ҳам партиядошлари ишонч билан уни Ўзбекистон Халқ демократик партияси Фарғона вилоят кенгаши «Фаол аёллар» қанотининг раиси этиб сайлаган.

Суратда: Энахон Сиддиқова фаол аёллар билан.

❖ Пири бадавлатларимиз

«ШУКУР ҚИЛСАНГ, МУРОДИНГГА ЕТАСАН»

Дўстлик туманининг Наврўз қишлоғида умрининг бир юз тўртинчи баҳорини қаршилаётган Марзия она Холматова яшайди. Ҳаётнинг аччиқ-чучугини кўп ва хўб тотган, икки ўғил, беш қизни тарбиялаб вояга етказган, кўплаб невара ҳамда чевараларнинг суюкли бувижонисига айланган момо ҳали бардам ва тетик.

— Бундан саксон, тўқсон йил олдинги ҳаётимни, бошимдан ўтган воқеаларни яхши эслайман, — дейди момо. — Қорнимиз нонга тўймасди, эгнимиз оҳорли кийим кўрмасди. Очюпун яшардик. Урушлар, қама-қамалар, қатағонлар, қимматчилик ва қаҳатчилик йиллари... Эҳ-е, қайси бирини айтай? Не кунларни кўрмадик? Болам, байрам яқинлашаяпти деяпсан. Ўша вақтларда қорнимиз тўйса бизга байрам эди, оҳорли кўйлак кийсак байрам эди.

Ҳозирги ёш-яланглар, ҳамқишлоқларимга ҳавасим келади. Ҳеч нарсага муҳтожликлари йўқ. Уйлар, кўчалар, мактаблар, дўконлар худди шаҳардагидай. Бундайин дориламон кунлардан минг айланиб, минг ўргилсанг арзийди. Мана энди ҳар кунни байрам қиладиган замон бўлди. Эртага Хотин-қизлар кунини, кейин Наврўз байрамини нишонлайсизлар. Илойим, бошларинг байрамдан чиқмасин. Бу гапларни мен — кўпни кўрган, юздан ошган момоларинг айтаяпти, болаларим.

Қишлоқдошлари Марзия момони ҳурмат-иззат қилишади, «Момомиз билмайдиган нарса, қўлидан келмайдиган иш йўқ» дейишади. Аслида ҳам онахоннинг қўли гул, ҳунари мўл. Тикиш-бичиш, чеварлик, пазандачиликдаку, у кишининг олдига тушадигани бу атрофда топилмайди. Зироатчиликдан ҳам кўпларга «дарс» беради. Достону лапар айтишларни жойига қўяди. Табобатдан ҳам яхшигина хабардор; қайси гиёҳнинг қандай дардга даво эканлигини дарров айтиб беради. Ҳамқишлоқларига эса ҳар доим **«Шукур қилсанг, сабр этсанг, муродинга етасан»** дейди онахон.

Бу йилги кўклам юртимизга эртароқ келди. Табиатдаги яшариш, уйғониш, ороланиш кўнгилларга кўчаётир. Бундайин сурурли дамлар, бетакрор онлардан Марзия момо ҳам баҳраманд бўлаяпти. Яна у кишининг кўзларида қувонч, ажин тўр ташлаган юзларида шодлик ифодалари, тилида шукроналик, қўллари эса дуога очилган: «Илойим, юртимиз тинч бўлсин, халқимизнинг байрамлари кўпайсин!»

Иброҳим ЖОНУЗОҚОВ,
«Ўзбекистон овози»
мухбири.

Суратда: *Марзия момо (ўнгда) қизи 70 ёшли Шаҳринисо ая билан.*

Доногул ЖЎРАЕВА
олган сурат.

УЧУВЧИ АЁЛ

Голнур Усмоновна Белик — «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпаниясининг 1-классли ягона аёл учувчиси. ТУ-154 самолётида парвоз қилаётганига ўн беш йилдан ошди. Ҳозир А-310 самолётини бошқаришни ўзлаштираяпти.

Унинг самога йўли оддий аэроклубдан бошланган. Биласиз, аэроклубга қизлар кўп ҳам қизиқавермайди. Сирасини айтганда, ўғил болалар ҳам спортнинг бу турига камданкам ишқибоз бўлади. Хуллас қаҳрамонимиз ўн олти ёшида биринчи марта парашютдан сакраган.

— ***Ўшанда қўрққан бўлсангиз керак-а?...***

— Йўқ. Биринчи марта қўрқмайсиз, — дейди Голнур. — Чунки ҳавода қушдек парвоз қилишга қизиқиш устун бўлади. Фақат шу ҳақда ўйлайсиз. Бунинг устига ҳали сиз сакраш нима эканини билмайсиз. Хавотир, масъулият кейин пайдо бўлади, энди сиз фақат романтика ҳақида эмас, қийинчиликларни енгишга уринасиз. Бу хавотир ўн мартача сакраганингиздан кейин ўтиб кетади.

Голнур бу босқичдан муваффақиятли ўтди. Ҳатто спорт самолётида учишга ҳам журъат топди. Аэроклуб қатнашчилари орасидан танлаб олиниб, авиация билим юртида ўқишга тавсия қилинадиган махсус гуруҳга киритилди. Шу тариқа Украинадаги авиация билим юртида учувчилик касбига ўқиди. Кейин эса АН-2, АН-24 даги дастлабки парвозлар... Тажрибаси, билимини ошириб, ҳайбатли ТУ-154ни бошқараётганига ҳам ўн беш йилдан ошди. Экипажда иккинчи учувчи вазифасида Мустақил ҳамдўстлик давлатлари, узоқ чет элларга учаяпти. Айни кунда А-310 самолётини бошқаришни ўрганаяпман.

— ***Кўпинча юртдан узоқда бўласиз. Узлуксиз парвозлардан чарчаган, зериккан пайтларингиз ҳам бўлганми?***

— Инсон ўзи севган касбда ишласа, зерикмайди, деб ўйлайман. Одатда, узоқ чет юртларга учган экипаж кейинги рейс келгунча ўша мамлакатда қолиб дам олади. Ўзингга нотаниш жойларни, жаҳонга машҳур обидаларни томоша қилиш, яқинларинг учун совға-салом харид қилиш жуда ёқимли, албатта. Аммо қаерда бўлмай, она Тошкентим, унинг бир чеккасидаги уйим мени ўзига чорлаб туради.

— ***Учувчилик касбининг масъулияти ҳақида нима дея оласиз?***

— Бир кекса учувчининг насиҳати доимо қулоғим остида жаранглаб туради. Жасурлик, масъулиятни ҳис қилиш, қатъийлик бизнинг касбимиз учун зарур бўлган хислатлар. Бироқ, энг асосийси, вазиятни олдиндан кўра билишдир, деган эди ўша устозимиз.

Голнур хотин-қизлар байрамини гоҳ ерда, гоҳ осмонда кутиб олади. Учиши байрам кунига тўғри келган вақтлар оз эмас. Шундай ҳолларда экипаж ўз таркибидаги ягона учувчи аёлга алоҳида эҳтиром кўрсатади. Энг яхши тилаклар, гуллар, совғалар унга аталади. Голнур осмондаги байрамларни шунинг учун ҳам яхши кўрадики, ўнлаб одамларни элтаётган «ҳаво кемаси» штурвали қўлингда бўлади, шунча одамнинг ҳаётига масъулиятлисан, бу вазифани бажаришда билим ва тажрибангга ишонч сенга хотиржамлик бағишлайди. Байрам кайфиятингга кайфият қўшилади-да...

Само эгаларининг йўловчиларга ва бир-бирларига ҳар доим айтадиган оддийгина бир тилаги бор. Байрам кунида «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси биринчи класс учувчиси Голнур Усмоновна ва унинг барча ҳамкасбларига биз ҳам шу тилакни айтмоқчимиз: «Парвозингиз хайрли ўтсин!».

Шарофат ЙЎЛДОШЕВА,
«Ўзбекистон овози»
мухбири.

2002 йил
8 февраль

Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ва Молия вазирлигининг «Ишлаётган оналарга болани 2 ёшга тўлгунча парвариш қилиш бўйича ҳар ойлик нафақа тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори қабул қилинди.

✧✧✧

*Олий Мажлис Сенатида **15** нафар, Қонунчилик палатасида **21** нафар, вилоят Кенгашларида **160** нафар, шаҳар Кенгашларида **188** нафар, туман Кенгашларида **1014** нафар депутат аёллар фаолият юритишмоқда. Сиёсий партиялар аъзоси бўлган аёллар сони эса **500** минг нафардан ошади.*

✧✧✧

*Республика ташқи сиёсий идораларида фаолият олиб борувчи ва бевосита Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги тизимида турли дипломатик лавозимларни эгаллаб турган аёллар **26** кишини ташкил этади.*

✧✧✧

*Бугунги кунда хотин-қизлар орасидан **9** нафар академик, **320** нафар фан доктори, **3081** нафар фан номзодлари етишиб чиқди.*

✧✧✧

***2004 йил 25 май** «Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Президент Фармони ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг Қарори эълон қилинди.*

✧✧✧

2008 йил.

*Республика бўйича хотин-қизлар учун жами **305872** та янги иш ўринлари яратилди.*

✧✧✧

*Республика Марказий банки томонидан тадбиркор аёллар учун ажратилган кредитлар миқдори **148,7** миллиард сўмни ташкил этди.*

✧✧✧

2009 йил

*Тижорат банклари томонидан хотин-қизлар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш мақсадида **153,9** миллиард сўмдан ортиқ кредитлар ажратиш режалаштирилган.*

❖ Қишлоқ спорти

ВОЛЕЙБОЛЧИ ҚИЗЛАР

Янгиқўрғон туманида обод Исковот қишлоғи бор. Бу қишлоқни қизлардан ташкил топган волейбол жамоаси эришган ютуқлари билан бутун мамлакатга машҳур қилди.

Қишлоқ оқсоқоли Абдуқаҳҳор Сатторов билан Исковотдаги 26-мактабга борганимизда волейболчи қизларнинг навбатдаги машғулоти устидан чиқдик. Волейболчи қизлар муваффақиятида уч фидойи мураббий — Раҳимжон Ёқубжонов (марҳум), Исмоилхўжа Асадов, шунингдек, қишлоқдаги 31-болалар ва ўсмирлар спорт мактаби раҳбари Илҳомжон Турдиевнинг хизматлари катта экан.

— Ўтган асрнинг етмишинчи йилларида осон эмасди, — дея эслайди мураббий Илҳомжон Турдиев, — қанча ҳаракат қилмайлик жамоа машғулотларига қизларини юбориш ота-оналарга малол келар, ҳатто бирмунча кўникмага эга ўйинчиларимиз ҳам уйидан рухсат тегмай машғулотлардан қолиб кетарди. 1994 йилдан илк натижалар кўзга ташлана бошлади. Самарқандда ўтган Ўзбекистон биринчилигида 9-ўринни банд этган қизларимиз ўша йили Андижондаги мусобақада 3-ўринни эгаллашга муваффақ бўлишди. 1995-96 йилларда 2 нафар волейболчи қиз вилоят терма жамоасига жалб этилди.

Ўн бир йилдан буён вилоят чемпионлигини қўлдан бермай келаётган Илҳомжон Турдиев мураббийлигидаги жамоа 1999 йилда Самарқандда ўтган мусобақада тўртинчи, 2001 йили Тошкентда учинчи, орадан бир йил ўтиб Чирчиқда иккинчи ўринни эгаллади. Сўнгра мактаб ўқувчилари ўртасида 2002 йили Фарғонада, 2003 йили эса Хоразмда ўтказилган «Умид ниҳоллари» республика спорт ўйинлари финал босқичида иккинчи, 2006 йил Бухоро ва Фарғонада ўтказилган нуфузли мусобақаларда биринчи поғонадан жой олишди.

Муваффақиятлар мактаб жамоасинигина эмас, бутун қишлоқ аҳлини ўзгача руҳлантирди. Бутун бир жамоанинг вилоят терма жамоаси таркибига кириши қишлоқ шароитида катта воқеа бўлди.

— Тўрттала қизим ҳам шу жамоада тарбияланди, — дейди Гулнора Муҳиддинова. — Катта қизим Гулноза ўқишни тамомлаб, турмушга чиққанидан кейин Чортоқдаги спорт коллежида мураббийлик қиляпти, Дилнозахон спорт коллежида ўқияпти. 8-синфда ўқиётган Арофатимни жамоадаги яхши ўйинчилардан деб ҳурмат қилишади. Гуласал ҳам жамоа таркибида астойдил шуғулланмоқда. Биз ота-оналарнинг хурсандлигимиз шундаки, спортга, айнан волейболга жалб этилган фарзандларимиз нафақат жисмоний, балки маънавий-ахлоқий жиҳатдан ҳам уқувли, эпли. Қишлоқ шароитидаги унча-мунча юмушларни ҳам қойилматиб уддалашади.

Яна бир муҳим жиҳати, волейболчилар жамоасида тарбияланган қишлоқ қизларининг бирортаси уйда ўтириб қолмаган, турли ўқув юртларида, спорт коллежларида ўқишган, ўқишмоқда, ишлашмоқда. Уларнинг 7 нафари Наманган муҳандислик иқтисодиёт институтида таҳсил олди.

Қишлоқда 6 та мактаб, битта касб-ҳунар коллежи бўлса, улардаги спорт мураббийлари деярли 26-мактаб базасидаги волейболчилар жамоасида тарбия кўрганлар. Айни вақтда 16- ва 17-умумтаълим мактабларида ҳам волейбол севимли спорт турига айланди.

— Бизнинг энг катта ютуғимиз ҳар йили алмашиб турадиган жамоа таркибини муносиб ўринбосарлар билан тўлдириб бораётганимизда, — дейди мураббий Илҳомжон Турдиев. — Машғулотларда 2-синфдан 9-синфгача бўлган қизлар қатнашади. Асосий таркиб билан қўшимча машғулотлар ўтказамиз, лекин кичик ёшдагилар ҳам эътиборимизда бўлади. Ахир жамоамизнинг эртаси ҳозирча тўп ушлашга ҳам унчалик қўли келишмайдиган 2-синф ўқувчиларига боғлиқ. Шу ўринда ота-оналарга миннатдорчилик билдириш зарур. Улар бизни қўллаб-қувватлашмоқда. Шу муносабатнинг ўзиёқ бизга катта мадад.

— Бу муҳташам спорт зали 2005 йилда Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси томонидан қуриб берилган, — дейди мураббий Аброр Нурматов. — Аввалларида баландлиги 4, ўлчами 16х8 метр залда машғулот ўтказиш бизга қанчалик қийин бўлганди. Энди Президентимиз томонидан кўрсатилаётган шундай ғамхўрликдан кейин биз бунга жавобан янада катта муваффақиятларга эришишимиз керак.

Суҳбатларимиз жараёнида бугунги кунда Наманган давлат университетитининг жисмоний маданият факультетида таҳсил олаётган, Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси Муҳайё Розиқова ҳақида ҳамқишлоқлари тўлқинланиб гапиришди. Исковотлик бу иқтидорли қиз мамлакат волейбол терма жамоаси таркибида Малайзия, Вьетнам давлатларида, Қозоғистоннинг Остона шаҳридаги халқаро мусобақаларда юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилибди.

Носиржон ДЕҲҚОНОВ,
«Ўзбекистон овози»
мухбири.

Суратда: *исковотлик волейболчилардан бир гуруҳи.*

✓ Фарзандлар оналар ҳақида

Анвар ОБИДЖОН,
Ўзбекистон халқ шоири



Тўғрисини айтсам, мен жуда бахтлиман. Чунки ёшим олтмиш иккида бўлса ҳам 87 ёшли онам Мунисхон Баҳромова бошимда парвона. Бу менга Аллоҳнинг марҳамати бўлса керак.

Биз оилада 8 нафар фарзанд вояга етганмиз. Бугун эса онамнинг 38 та набираси, 73 та чевараси, 4 та эвараси бор. Эсимни таниганимдан бошлаб онамнинг қаттиққўллиги, ниҳоятда талабчанлиги ҳамон кўз ўнгимда туради. Онам умр бўйи колхоз деб аталмиш ҳеч кимнинг бири икки бўлмаган хўжаликда ишлади. У киши қўли гул чевар, биз болаларини уст-бошларини ўзлари тикиб берардилар.

Бугун ҳам онам бардам, тетик, ўз келинларидан ташқари набира келинларига ҳам бошчилик қиладилар. Хотиралари яхши. Бирон-бир юмуш буюрсалар, албатта натижасини сўрайдилар.

Мен ҳар гал пойтахтдан Фарғонага йўл олар эканман, биринчи бўлиб онажонимнинг дуоларини оламан. У киши учун мен ҳали ҳам ёш боламан, тез-тез тайинлайдилар, овқатингни вақтида егин, деб. Мен қирқ йиллик ижодим давомида онамга бағишлаб кўплаб шеърлар ёзганман. Бундан кўнглим тўлган эмас, Лекин англаган ҳақиқатим шу бўлдики, фарзанд ҳеч қачон онаси олдидаги қарзини уза олмайди.

Равшан КОМИЛОВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист

Мен оилада катта фарзандман, укам ва синглим бор. Ойим Турсуной Комилова ўқимишли аёл бўлганлари учун бизни ҳар доим қўллаб-қувватлаганлар. Эсимда, болалигимдан қўлимдан ушлаб мусиқа мактабига олиб борганлар ва рубоб олиб берганлар. У пайтда ҳатто мактабга ҳам чиқмаган эдим.

Ўша дамларда жуда ўйинқароқ, шўх бўлганман, маҳаллада тенгқурлар копток тепардик. Бир гал ўртоқларим билан ўйнаётганимда рубобимни синдириб қўйиб, машғулотга боряпман, деб бир ой ойимни алдаб юрганман. Ойим гап нимада эканлигини сезиб қолиб, бошқа рубоб олиб берганлар.

Ота-онам билан бир ҳовлида яшаймиз. Биз санъаткорлар халқ хизматидаги одамлармиз. Концертлар, тўйлар бўлган пайтларда уйга кечроқ қайтишга тўғри келади. Ярим тунда қайтганимда ойимдан бошқа ҳамма ухлаб ётган бўлади. Ойим эса ҳар доим менинг келишимни кутиб ўтирадилар. Шу боис ойимни камроқ безовта қилиш учун мумкин қадар уйга тезроқ қайтиш чорасини излайман.

Яқинда **«Сен барибир муқаддассан аёл»** қўшиғимизнинг сўзларини бойитиб, мусиқасига ишлов бериб, ўғлим Фаррух билан дуэт тарзида куйладик. Ушбу қўшиқ юртимиздаги барча аёлларга байрам туҳфасидир.

Элдор КАРИМБОЕВ, ЎзМУ магистри,
«Шуҳрат» медали соҳиби



Эсимни танибманки, онам Яқитжон Каримбоеванинг менга бўлган меҳрибончиликлари, эркалашлари, хатоларимни тўғрилаб, панд-насиҳат беришлари, қулоғимда жаранглайди. Мактабда ўқиб юрган даврларимда оч юрма деб, сумкамга нон солиб қўярдилар. Эрталаб туришимизга сигирларни соғиб, сутини пишириб берардилар. Биз билан ўтириб суҳбатлашардилар. Мен ҳеч кимга айтолмаган гапларимни онамга айтардим. Энг кўп айтадиган гаплари «болам, кўпроқ китоб ўқигин» дердилар. Бир марта адабиёт фанидан уйда иншо ёздим ва онамга кўрсатдим. Сўз ўртасида қайсидир ҳарфни кичик ёзиш ўрнига катта ёзганимни тушунтирдилар.

Мен тихирлик қилиб, ўз билганимдан қолмагандим. Ўқитувчимиз иншони текширганда, айнан шу хатони топиб баҳомни пасайтирган. Бу менга сабоқ бўлди. Ҳозир ҳам уйга телефон қилсам биринчи бўлиб онам билан гаплашаман, улар менга яхши ўқигин, оч юрма, иссиқ кийин, дея тергайдилар. Уйга борганимда албатта ўз қўллари билан овқат пишириб берадилар.

Биз оналаримиз олдидаги фарзандлик қарзимизни ҳеч қачон уза олмаймиз. Лекин, ўқишимиз, ишимиз, ахлоқ-одобимиз билан уларни қувонтириб, дуоларини олиб яшашга ҳаракат қилишимиз лозим, деб ўйлайман.

Онажон, эртага 8 март — Халқаро хотин-қизлар куни. Сизни байрам билан табриклайман. Биз фарзандларингиз бахтига доимо омон бўлинг!

Темур АЪЗАМ ёзиб олди.

ЧЕМПИОН ОНАЛАР

МЕҲРИНИСО ҚОСИМЖОНОВА, шоҳмот бўйича халқаро гроссмейстер, 17-жаҳон чемпиони, «Ўзбекистон ифтихори» фахрий унвони ва Амир Темур ордени соҳиби Рустам Қосимжоновнинг онаси

Мен учун Умида қизим, Хуршид, Рустам ўғилларим, куёв-келинларим, еттита неварамнинг бари бирдай азиз. Дунёда она борки, фарзандларининг бахт-иқболини кўриш учун яшайди. Болаларимнинг таълим-тарбиясига эътибор бериб вояга етказганимдан, уларнинг эл-юрт хизматини қилаётганидан, тўйларини кўриб набиралик бўлганимдан бахтиёрман.

Тўғри, қийинчиликлар ҳам бўлган. Рустамим туғилганидан кейин отаси вафот этган. Уч болани тарбиялаш, ишлаш, рўзғорга қараш ҳар қандай аёл учун осон эмас. Бунинг устига Рустам шоҳмотга қизиқиб қолди. У билан бирга машғулотларига, мусобақаларига бордим. Бирга бормасангиз ёш бола, олиб бормасангиз кўнгли ўксийди. Буёқда иш, рўзғор ташвиши, ҳаммасига улгуриш керак.

Шундай кезларда Рустамжон Президентимизнинг назарига тушиб қолди. Унга Президентимиз компьютер совға қилди. Ҳомийлар бириктирилди. Энди ўғлимни чет элга жўнатиш, унинг қайтиб келишини интизорлик билан кутиш... Дилимдан нималар ўтганини фақат ўғлини сафарга жўнатган оналаргина тушунади. Жаҳон чемпионатини эсланг. Охирги кундаги ҳаяжонларим ҳеч эсимдан чиқмайди. Интернет орқали компьютерда Африкадаги ўйинни кузатиб ўтирибмиз. Назаримда, Рустам озиб кетгандай, сочи сийраклашгандай. Охири, қарашга ҳам сабрим етмай ошхонага чиқиб ёлғиз ўтирдим. Қанча вақт ўтди, билмайман. Бир вақт Хуршидим «Ойижон, Рустам чемпион бўлди!» деб ҳайқирди. Хонага отилиб кирдим. Қанчалик қувонганимизни кўрсангиз эди... Болаларимни катта қиламан деб чеккан барча ғам-ташвишларим шу заҳоти унут бўлди.

Ўғлимнинг камтарона хизмати юксак мукофотга лойиқ кўрилди. У мукофот топшириш маросимига кетган, биз Рустамнинг туғилган кунини нишонлаш учун тайёргарлик кўраяпмиз. Қани вақт ўтса! Бир пайт Рустам кўксида орден тақиб кириб келди. Биримиз кўйиб, биримиз бағримизга босдик. Кейин телевизордан мукофотлаш маросимини кўрсатишди. Кўзларимда ёш билан қарадим. Ўғлимга Президентимизнинг ўзлари орденни тақиб қўйди, қувонмай бўладими! Рустамга болалар учун китоб ёзишни маслаҳат беришдилар. Худога шукур, шундай китобни ёзиб Рустамимнинг юзи ёруғ бўлди.

Яқинда бир ҳамкасбим айтиб қолди: «Сиз болалар учун ҳамма нарсангизни бахш этишингиз керак деб айтардингиз». Ҳа, биз оналар болаларимиз учун бор меҳримизни беришимиз керак. Дунёда истеъдодсиз бола бўлмаган, бўлмайди ҳам. Фақат боланинг истеъдодини ўз вақтида илғаб, тарбиялашимиз, қўллаб-қувватлашимиз керак бўлади. Эҳтимол, қийинчиликлар бўлар. Лекин дунёда ҳеч бир одам осонлик билан муваффақиятга эришмаган. Биз онамиз, ҳар доим болаларимизнинг эзгу ниятларини қўллаб-қувватлашимиз, уларга таянч бўлишимиз лозим. Истагим, барча оналар фарзандларга эътиборлироқ, меҳрлироқ бўлишсин. Шунда фарзандлар ҳам ўзларининг муваффақиятлари билан оналарини шод-бахтиёр этади.

Байрам билан барча оналарни чин дилдан табриклайман. Ҳар бир онага фарзанди бахти, камолини кўриш насиб этсин.

РИХСИХОН ҳожи она ҚОСИМОВА, футбол бўйича ўсмирлар ўртасида жаҳон, ёшлар ўртасида Европа чемпиони, Осиё ўйинлари ғолиби, «Фидокорона хизматлари учун» ордени, «Ўзбекистон ифтихори» фахрий унвони соҳиби Миржалол Қосимовнинг онаси

Миржалол уч қизнинг орасида ёлғиз ўғлимиз. Соғлом ўссин, кўча-кўйда бекор юрмасин, деб болалигидан адаси уни футбол мактабига етаклаб олиб борган. Шу-шу унинг қувончига шерикмиз. Буни оналар сўз билан таърифлай олмайди. Ёшлик пайтида мен Миржалол билан кўп бирга юрганман. Эсимда, 14 ёшида Россиянинг Нальчик шаҳрига йиғинга чақиришганида «Мен ҳам бирга бораман», деб ўғлим билан самолётда кетганман. Барибир болам мен учун ёш кўринаверган. Мураббийларга «Мана ўғлимни олиб келдим», десам «тушунамиз, онасиз-да» дейишган. Қайтиш куним 31 августга тўғри келган. Мен ўша пайтда давлат ишида эдим. Аксига олиб Тошкентга билет бўлмаган. Қаршига билет бор экан. У ерга учиб, сўнг амаллаб Тошкентга келганман.

Миржалол мактабни охирги йилини Москвадаги 6-спорт интернатида ўқиган. Узоқда бўлганидан кейин боламни ўқишидан, хулқидан хабардор бўлиб туришим керак эди. Шу боис ҳар икки ҳафтада Москвага борардим. Шанба куни эрталаб самолётда учардим ва душанба куни хизматга етиб келардим. Мураббийлари, синф раҳбарлари билан суҳбатлашиб, унинг ўқишлари, ахлоқи тўғрисида сўраб турардим.

— Миржалол ўсмирлик пайтида собиқ Иттифоқ термаси билан Канадада ўтган жаҳон биринчилигига кетган эди. Раҳматли қайнонам (жойлари жаннатда бўлсин!) туш кўрган эканлар. «Тушимда Миржалол оппоқ костюмшимда, оқ «Волга»да ўртоқлари билан уйга келди, Худо хоҳласа набирам мартабаси улуғ бўлиб қайтади» деб дуо қилиб ўтиргандилар. Орадан бир ҳафта ўтиб Миржалол жаҳон чемпиони бўлганини билдик.

Яратганга минг бор шукрона қиламиз, ўғлимиз эл-юртга таниқли, ҳурматли-иззатли инсон бўлди. Унинг ҳар бир ғалабаси, ҳар бир медали уйимизни хурсандчиликка кўмиб юборади. Бундай пайтларда она сифатида қанчалик қувонганим, кўзимга хурсандчилик ёшлари келгани, кўнглимдаги фахр-ифтихорни таърифлай олмайман.

— Боламнинг спортдаги ютуқларидан бир қувонсам, камтарин инсоний фазилатларидан яна бир фахрланаман. Болам байрамларда, туғилган кунларимизда кўпинча сафарда бўлади. Кетишидан олдин совғаларни олиб қаергадир беркитиб кетади. Қайси мамлакатда бўлмасин телефон қилиб, «Онажон опамларни чақиринг» ёки «Синглимни чақиринг» дейди. «Фалон жойга совғани беркитиб қўйгандим, шуни олишсин» деб ҳаммамизни байрам билан табриклайди. Болалигидан шунга ўрганган. 1987 йилда Миржалол Канадада ўсмирлар ўртасида жаҳон чемпионатида иштирок этаётган эди. Ўша пайт Зулфия опасини туғилган кунига тўғри келиб қолганди. Телефон қилиб «Тепа уйга совғани беркитиб қўйганман. Олиб беринг» деганди. Опаси совғани олиб, хурсандлигидан йиғлаб юборган эди.

— Миржалол ҳозирда келиним Дилоромхон билан 4 нафар фарзандни вояга етказишмоқда. Биргаликда қўша қарисин, илоҳим. У бизни қай даражада эъзозлаган бўлса, фарзандларидан ҳам шуни кўрсин. Биз ҳожи бобоси билан уларни фақат дуо қиламиз.

— Бугун ҳар бир хонадонда баҳор, байрам кайфияти. Бундоқ атрофга қарасанг юртимизнинг ўзи худди баҳордек гуллаб-яшнаб турибди. Мен 8 март — Халқаро хотин-қизлар байрами билан барча оналарни, опа-сингилларни, газетангиздаги барча аёл ходимларни оиламиз номидан чин қалбдан табриклайман. Ҳамманинг фарзанди ҳам менинг ўғлимга ўхшаган солиҳ фарзанд бўлсин. Халқнинг олди одамларидан бўлиб юрсин. Имкониятдан фойдаланиб, футболга, спортга шунчалик катта эътибор қаратаётган, ёшларимизга ўз фарзандларидек меҳрибонлик кўрсатиб келаётган Юртбошимизга чин дилдан миннатдорчилик билдираман, халқимизнинг бахтига умрлари узоқ бўлсин.

ҚИЗЛАРСУЛУВ ЭШБОЕВА, дзюдо бўйича Олимпиада ўйинлари кумуш медали, икки марта жаҳон чемпионати бронза медаллари совриндори, Осиё ўйинлари ғолиби. Кураш бўйича икки карра жаҳон чемпиони, «Ўзбекистон ифтихори» фахрий унвони соҳиби Абдулла Тангриевнинг онаси

Ўғлимнинг полвон бўлишига ўзим ҳам ҳавас қилар эдим. Тенгдошларидан ким тўғри келса, кел, кураш тушамиз деб ёпишаверарди. Шўхликлари бор эди... Ўғлим беш ёшида отасиз қолди...

Абдулла 3-синфда ўқиётган пайтда катта ўғлим Абдукарим уни Тошкентга олиб келиб ўзи мураббийлик қилди, ўзи қаради, ўқитди. Ҳозир Худога шукр қиламан, шундоқ чемпионни вояга етказганим учун.

Абдулла Олимпиада ўйинларига икки марта бориб ўрин ололмай қайтиб келди. Шу боис ҳар доим, «ўғлим Олимпиада чемпиони бўлсин», деб дуо қилардим. Ўтган йили Пекинда бўлиб ўтган Олимпиада ўйинларида чемпион бўлмаса ҳам иккинчи ўринни олди. Бу мен учун биринчи ўрин билан баробар.

Халқимиз олдида, Юртбошимиз олдида ўғлимнинг юзи ёруғ бўлди. Ўша куни Деновга тўйга борган эдим. Газетадан мухбир келиб, «Онахон ўғлингиз Олимпиадада иккинчи ўринни олди. Ҳис-туйғуларингиз билан ўртоқлашсангиз» деди. Ўша пайтда тилим умуман калимага келмай қолди. Фақатгина дуоларим ижобат бўлгани учун Худога шукр қилдим. Кейинги сафар албатта Олимпиада чемпиони бўлишини Аллоҳдан сўрайман.

Ҳар доим қайси мамлакатда бўлса ҳам ғолиб чиқса, медаль олса, биринчи бўлиб менга телефон қилади. Биламан, аввало онам хурсанд бўлсин, дейди.

Абдулла туғилган кунларда, байрамларда иложи борича уйда бўлишга ҳаракат қилади. Агарда уйда бўлолмай қолса, албатта телефон орқали табриклайди. Ҳар доим «Она мингга киринг, бахтимга доимо соғ-омон бўлинг» дейди. «Болам юз ҳам етади, мингга қачон кираман», деб ҳазиллашиб қўяман. Худога шукр, ҳар доим ҳурматимни жойига қўяди. Саккиз йилдан бери мен ҳам ўғлим билан Тошкентда яшаяпман.

Ҳар бир она учун фарзанди ютуғини кўриб юришдан ортиқ бахт йўқ деб ўйлайман. Абдулла ёшлигидан ҳозиргача қанча мусобақаларда ғолиб бўлди. Уларнинг ҳар биридан шукр қиламан, бағрим тоғдек кўтарилади.

Битта мисол айтай. Ўғлим Пекиндан Олимпиада кумуш медали билан қайтганида Президент қабул қиларкан деган гапни эшитиб, мени ҳаяжон босди. Телевизордан кўз узмай ўтирдим. Олимпиададан ғолиб бўлиб келганлар қаторида Президентимиз Абдулла ҳақида алоҳида тўхталиб, илиқ гапларни айтганида шундай қувондимки, кўз ёшларимни тўхтата олмадим. Хаёлимда осмонга чиққандек бўлдим...

Кириб келаётган 8 март байрами билан республикамиздаги ҳамма аёлларни табриклайман. Фарзандлари менинг ўғлимга ўхшаб полвон бўлсин, чемпион бўлсин.

Истеъдодли ёшлар — миллат ғурури, мамлакат таянчи

Глиэр номидаги Республика ихтисослаштирилган мусиқа академик лицейи ўқувчилари Дилноза Тўраева ва Мухторжон Муҳамадалиев Санкт-Петербург шаҳрида ўтказилган «Европага нигоҳ» кўрик-танловида совриндорлар қаторидан ўрин олишди.

УЧАЛАСИ ҲАМ СОВРИНДОР

Мухторжон торли мусиқа асбоблари йўналишида қатнашиб, афғон рубобида таниқли скрипкачи Паганини, ўзбек бастакори С.Ҳайитбоев асарларини маромига етказиб ижро этди. Ҳайъат уни 1-ўринга лойиқ деб топди. Унга роялда жўрнавозлик қилган лицей ўқитувчиси Сурайё Тиллахўжаева эса «Энг яхши жўрнавоз» совринига сазовор бўлди.

Дилноза ёш пианиночилар танловида қатнашди. У машҳур композиторлар Бах, Шопен, Прокофьев ҳамда севимли бастакоримиз Д.Омонуллаева асарларини моҳирона ижро этиб, фахрли 3-ўринни эгаллади.

Шу кунларда ёш мусиқачиларимиз навбатдаги халқаро танловга тайёргарлик кўришмоқда.

(Ўз мухбиримиз)

ТЎРТ МИНГИНЧИ ЧАҚАЛОҚ...

уларнинг ҳаммаси соғлом туғилганидан хурсандман, — дейди Арнасой туман марказий шифохонаси туғуруқ бўлими доғси Мунирахон Султонова.



...1984 йилда Қўқон тиббиёт билим юртини имтиёзли тамомлаб, тақдир тақозоси билан Арнасойга келиб қолган Мунирахон, мана йигирма беш йилдан бери марказий шифохонанинг туғуруқ бўлимида меҳнат қилиб келаяпти.

— Мунирахонни туманимизда кўпчилик танийди, ҳурмат қилади, — дейди шифохона бош врачи вазифасини бажарувчи Насиба Абдуалимова. — Ҳамма уни касбининг устаси, қўли енгил доя, дея эъзозлайди. Ўтган йили жами 802 та туғуруқ қайд этилган бўлса, шундан 276 тасига Мунирахон доялик қилди.

Ўз фаолияти даврида юз эмас, минглаб арнасойлик аёлларга шундай бахтни, оналик саодатини бахшида этган доянинг хизматлари нақадар хайрли, нечоғли савобли эканлигини ҳис қиласиз, тасаввур этасиз.

— Айни баҳор кунларида, хотин-қизлар байрами арафасида оналик бахтига муяссар бўлдим, — дейди туманнинг «Самарқанд» қишлоқ фуқаролар йиғинида истиқомат қилувчи Жамилахон Эшонқулова. — Чақалоғимга Мунирахон опа доялик қилди. Кўз ёрганимдан сўнг, илк бор эшитган калимам: у кишининг жилмайиб «Ўғил муборак» деган сўзлари ҳалиям қулоғим остида жаранглаб турибди. Ўша палла бутун вужудим билан оналик бахтини ҳис қилдим. Лабларим беихтиёр «Раҳмат, опа» дея пичирлади. Аёл учун бундан ортиқ бахт борми?

Дарвоқе, Жамилахоннинг ғўдаги Мунирахон Султонова доялик қилган тўрт мингинчи чақалоқ эди.

Доногул ЖЎРАЕВА
Муаллиф олган сурат.

«НАФИС»НИНГ МАЛИКАЛАРИ

Бухоро шаҳридаги «Нафис» бадиий гимнастика саройида икки юз нафарга яқин қиз шуғулланади. Бу ерда ўзига хос мактаб шаклланган. Вилоятда ушбу спорт турини янада оммалаштиришда «Нафис»нинг ўз ўрни бор. Туманларда иш олиб борадиган мураббийлар ҳам илк сабоқларни шу ерда олишган.

— Ушбу спорт саройи мамлакатимизда ўз мавқеига эга эканлигини кўпчилик яхши билади, — дейди ўн бир ёшли гимнастикачи Фарангиз Шодиеванинг онаси. — Иқтидорли қизлар Зарина Муҳиддинова, Моҳости Жўраевалар ҳам шу саройда шуғулланишган. Уларнинг бугун халқаро турнирларда эришаётган ютуқларига барчамиз ҳавас билан қараймиз. Қизимдаги қизиқишни илғагач, тўғри «Нафис»га етаклаб келгандим. Шунга ҳам беш йил бўлибди. Кўз тегмасин, Фарангизнинг ҳозирча қўлга киритаётган натижалари чакки эмас. Қизим вилоят ва республика мусобақаларида муносиб қатнашмоқда. Энг муҳими соғлом улғаймоқда.

Фирдавс ХАЙРИДДИНОВ

Суратда: халқаро турнирлар совриндори Моҳости Жўраева.

BOSH MUHARRIR:
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:
Abdulla ORIPOV
Latif G'ULOMOV
Asliddin RUSTAMOV
Bobir ALIMOV
Sharbat ABDULLAYEVA
Feruz NAZIROV
Murodulla ABDULLAYEV
Ulug'bek MUSTAFOYEV
Tat'yana KISTANOVA
(Bosh muharrir o'rinbosari)
G'affor HOTAMOV
(Bosh muharrir o'rinbosari)
Muslihiddin MUHIDDINOV
Nomoz SA'DULLAYEV
Svetlana GERASIMOVA
Andrey KUSTOV
Ochilboy RAMATOV
Saidahmad RAHIMOV

MUASSIS:
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO'LIMLAR:
Partiya hayoti 233-10-13
Madaniyat va sport 233-69-45, (Tel. Faks) 233-21-43
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 233-20-36, 233-44-55
Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ'ibot 233-12-56
Reklama va e'lonlar 233-38-55, 233-47-80
Mas'ul kotib 233-72-83, 236-55-17

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 223-06-02
Gulistonda — 25-46-45
Jizzaxda — 227-48-35
Navoiyda — 223-83-73
Namanganda — 226-43-43
Nukusda — 222-77-21
Samarqandda — 35-02-55
Urganchda — 517-30-58
Farg'onada — 224-18-78
Denovda — 8-37641-23-780

MANZILIMIZ:
100000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY.
e-mail: uzbovozi@mail.ru

Navbatchi: Mirbaxtiyor MIRFAYZIYEV

Gazeta «O'zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

Sahifalovchi-dasturchi: Sobirjon TUNG'ATOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007 yil 11 yanvarda ro'yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.
Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 249
17081 nusxada bosildi
1 — Tijorat materiallari
ISSN 2010-7633
O'zA yakuni — 21.20
Topshirilgan vaqti — 00.20
Sotuvda erkin narxda